

АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ҲОЛАТЛАРИ

Абдиқохоров Давлатбек
Бердиқобилов Анваржон

Термиз давлат университети Юридик факультети талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда ахлоққа қарши бўлган жиноятлар, уларнинг криминалогик тавсифи ҳамда сабаблари, келиб чиқиш ҳолатлари, оқибатлари, шунингдек жиноятчи шахс руҳий ҳолати ва унинг оилавий муҳити, жиноятни олдини олишга қаратилган ишлар, хусусан ахлоққа қарши жиноятларнинг турлари ҳамда жазоси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ахлоққа қарши жиноятлар, номусга тегиш, фоҳишачилик, жиноят, ижтимоий-демографик, оммавий маданият, жазо, жиноят сабаблари

Таҳлил: Ҳозирги вақтда «оммавий маданият»нинг хатарли кўриниши, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллати – фоҳишалikka қарши кураш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Чунки, фоҳишалик: жамиятнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш ва унда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтиришга, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши курашга, «оила соғлом экан жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарор», деган инсонпарвар тамойилни амалга оширишга, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга жиддий салбий таъсир этади; ижтимоий ахлоққа улкан зарар етказди; таносил касалликлари тарқалишининг кучли омили ҳисоб- ланади; бу билан шуғулланувчи аёлларнинг соғлиғига тузатиб бўлмас зарар етказди; уюшган жиноятчилик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни озиклантиради ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида «оммавий маданият» хавфи ҳақида шундай дейди: «Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» епирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида

ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хурожларга қарши кураш нақадар муҳим эканини англаб олмақда. Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даври- да комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққан- ликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топ- ган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмуни- ни ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз»¹. «Оммавий маданият»нинг хатарли кўриниши, ахлоқсизликнинг тубан шакли фоҳишалик халқимизнинг азалий анъана ва қадрият- лари, турмуш тарзининг маънавий негизларини қўпоришга қаратилган хатарли таҳдиддир. Ахлоққа қарши жиноятлар деганда, ижтимоий ахлоқ-одобнинг дахлсизлигига зарар етказадиган еки зарар етказилишининг реал хавфини келтириб чиқарувчи жиноятлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғри- сидаги кодекси ва Жиноят кодексига қўйидаги ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган: майда безорилик (МЖТК 183-м.); этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (МЖТК 186¹-м.); жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш (МЖТК 187-м.); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (МЖТК 188-м.); вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш (МЖТК 188¹-м.); порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189-м.); зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот- ни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189¹-м.); фоҳишалик билан шуғулланиш (МЖТК 190-м.); қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар (МЖТК 191-м.); маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш (МЖТК 192-м.); таносил еки ОИТС касаллигини тарқатиш (ЖК 113-м.); номусга тегиш (ЖК

118-м.); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-м.); бесоқолбозлик (ЖК 120-м.); аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЖК 121-м.); кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м.); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м.); ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-м.); ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш (ЖК 129-м.); порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (ЖК 130-м.); зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот-ни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (ЖК 130-м.); фоҳишахона сақлаш ёки кўшмачилик қилиш (ЖК 131-м.); тарих еки маданият едгорликларини нобуд қилиш, бузиш еки уларга шикаст етказиш (ЖК 132-м.); инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЖК 133-м.); қабрни таҳқирлаш (ЖК 134-м.); аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (ЖК 136-м.); этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЖК 186¹-м.); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар (ЖК 270-м. – Тақиқланган экинларни етиштириш; 271-м. – Гиёҳвандлик воситалари еки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш; 273-м. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш; 274-м. – Гиёҳвандлик воситалари ёки психо- троп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш; 275-м. – Гиёҳванд- лик воситалари еки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш; 276-м. – Гиёҳвандлик воситалари еки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар); безорилик (ЖК 277-м.); қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни таш- кил этиш ҳамда ўтказиш (ЖК 278-м.) ва бошқ. Майда безорилик (МЖТК 183-м.) деганда, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик тушунилади. **Хулоса**

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда майда безориликни содир этилиши кўрсаткичининг кўпайиши кузатилмоқда. Жумладан, ста- тистик маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, республикаимизда профилактика инспекторлари томонидан 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 2,8% кўпроқ майда безорилик ҳуқуқбузарлиги аниқланган. Жамоат жойларида спиртли

ичимликлар ичиш (МЖТК 187-м.) деганда, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қуйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхона- ларидан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш тушунилади. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (МЖТК 188-м.) вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психо- троп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар еки воситаларни истеъмол этишга жалб қилишни назарда тутди. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189-м.) - порнографик маҳ- сулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайер- лаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шу- нингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишни кўзда тутди. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189-м.) - зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилув- чи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайерлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишни назарда тутди. Фоҳишалик билан шуғулланиш (МЖТК 190-м.). Илмий адабиет- да олимлар фоҳишалик билан шуғулланиш тушунчасини турлича изоҳлашади. Жумладан, фоҳишалик: ҳақ эвазига қарама-қарши жинсдаги ёки ўз жинсидаги турли шахсларга улар ўзларининг шахвоний эҳтиёжларини қондиришлари учун мунтазам равишда хизмат кўрсатиш; эркаклар билан жинсий алоқалар орқали моддий манфаат кўришга йўналтирилган мунтазам хатти-ҳаракат бўлиб, бунда аёл- нинг моддий манфаат кўриш учун эркаклар билан бир неча марта (йил давомида икки мартадан кўп) жинсий алоқада бўлишни мунта- замлилик деб тушунилади²; шахсий хуш кўриш, ёқишга асосланмаган ва ҳақ эвазига бажа- риладиган тасодифий, никоҳдан ташқари шахвоний муносабатлар; танланган (кечириладиган) турмуш тарзи учун асосий еки муҳим қўшимча маблағ манбаи бўлиб хизмат қиладиган ҳақ эвазига мунтазам равишда (ҳунар сифатида) жинсий алоқага киришиш; ҳақ эвазига касб тариқасида шахвоний эҳтиёжларни қондириш. Назаримизда, фоҳишалик билан шуғулланиш тушунчасига юқорида берилган таърифларнинг мазмунини таҳлил этиш асосида фоҳишалик билан шуғулланишнинг асосий жиҳатларини қуйидаги белгилар ташкил қилади, деган хулосага келиш мумкин:

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий Ахборот сайти lex.uz
6. Norma.uz
7. Криминология дарслиги

